



2019 yil « 17 » Март

№ 192-4

Jomboy t.

Омонликов Зарифжонга ғалла-сабзавотчиликга ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун ижарага ер ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорига асосан Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг ва туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосаларини, Халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорига асосан талабгорлар Омонликов Зарифжон ва Рахимов Эҳсонбеклар ўртасида ўтказилган танлов якунлари хужжатларини ҳамда Жомбой тумани Қўлбости маҳалласи Янги қишлоғида яшовчи фуқаро Омонликов Зарифжоннинг ғалла-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун ижарага ер ажратиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиб

#### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг ва туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосасига, Халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорига асосан фуқаро Омонликов Зарифжонга ғалла-сабзавотчилик ихтисослиги бўйича фермер хўжалик ташкил этиш учун туман ҳокимлиги ихтиёридаги (Jomboy cheggu фермер хўжаликларидан қайтариб олинган) А.Қурбонов массивида жойлашган 908-контурдаги жами 27,6 гектар, шундан сувли экин ери 23,0 гектар, мелиоратив ҳолати ёмон ерлар 4,4 гектар, канал ва коллекторлар 0,2 гектар ер майдонлари 49 (қирқ тўққиз) йил муддатга ижарага ажратилсин.

2. Жомбой туман “Давлат хизматлари” маркази директори (Р.Рахматов)га белгиланган тартибда фермер хўжалиги Низомини рўйхатга олиш ва бу ҳақда тегишли ташкилотларга расмий маълумот бериш топширилсин.

3. Фермер хўжалиги бошлиғига ижарага берилган ер майдони бўйича ҳамда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тўғрисида ҳисобот туман статистика бўлимига ҳамда тегишли ташкилотларга бериб бориш вазифаси юклатилсин.

4. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган фермер хўжалигига ер ажратиб бериш ва уни фаолиятини, ажратилган ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланишини назорат қилиб бориш вазифаси топширилсин.

5. Туман Давлат солиқ инспекцияси (Ш.Азаматов)га фермер хўжалигини бюджет билан бўладиган муомаласини белгилаб бериш ва қонунда белгиланган тартибда солиқ ундирилишини назоратга олиш юклатилсин.

6. Фермер хўжалиги бошлиғига ўз муддатларида белгиланган (моддий техника базасини яхшилаш) устав жамғармасини шакллантириш вазифаси топширилсин.

7. Туман ҳокимининг уринбосари А.Облакуловга, туман қишлоқ хўжалиги бўлими (А.Тураев)га фермер хўжалигига ажратилган ер майдонларида 2020 йил ҳосили учун тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари суммаси турлари бўйича тақсимлаш, “Жомбой дон маҳсулотлари” АЖ билан ғалла топшириш шартномасини расмийлаштириш ва давлатга ғалла топширилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-моддаси 6-бандига асосан белгилангандан бошқа мақсадларда (ноқонуний хар қандай қурилишлар қурилганда) фойдаланилганда ва 7-бандига асосан ер участкасининг ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлганда ушбу қарор ўз кучини йўқотиши ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор бўлиши ва давлатга келтирилган зарар ердан фойдаланувчидан ундирилиши ва ноқонуний қурилган хар қандай қурилиш фермер хўжалигининг раиси томонидан буздирилиб ~~бардараф~~ этилиши тўғрисида фермер хўжалиги раиси Омонликов Зарифжон ушбу қарор билан огоҳлантирилган ~~де~~ ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг уринбосари А.Облакулов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Х.Туйчиев

**Жомбой туман ҳокимлигининг ер участкаларини бериш (реализация қилиш)  
масалалари билан доимий шўғулланувчи комиссиясининг  
Б А Ё Н И**

2019 йил « 19 » март

Жомбой тумани

Туман ҳокими томонидан комиссия йиғилишида Жомбой тумани А.Қурбонов массивидаги туман захирасидан 908-контурдаги жами 27,6 гектар, шундан сувли экин ери 27,4 гектар, канал ва коллекторлар 0,2 гектардан ер майдонларида фермер хўжалик ташкил этиш ёки мавжуд фермер хўжаликларига қўшимча равишда қўшиб олиш учун танлов ўтказилди, танловда иккита фуқаро яъни Омонлиқов Зарифжон ва Рахимов Эҳсонбеклар талабгор сифатида хужжатлари билан қатнашди.

1. Тақдим этилган хужжатлар ва талабгорларни фикр мулоҳазалари юзасидан комиссия томонидан биринчи талабгор Омонлиқов Зарифжон тақдим этган хужжатлари билан рақиби Рахимов Эҳсонбек томонидан тақдим этган хужжатларига нисбатан мазкур хулосага илова қилинган хужжатларга асосан юқори балл тўплаб танлов ғолиби деб ҳисобланди.

2. Комиссия, талабгор Омонлиқов Зарифжоннинг «туман захирасидан 908-контурдаги жами 27,6 гектар, шундан сувли экин ери 23,0 гектар, мелиоратив ҳолати ёмон ерлар 4,4 гектар, канал ва коллекторлар 0,2 гектар ер майдонини фермер хўжалиги ташкил этиш учун ижарага ажратиш туғрисидаги аризаси қаноатлантиришни ва танлов натижасига асосан А.Қурбонов массивидаги туман ҳокимлиги захира ер майдонларидан 908-контурдаги жами 27,6 гектар, шундан сувли экин ери 23,0 гектар, мелиоратив ҳолати ёмон ерлар 4,4 гектар, канал ва коллекторлар 0,2 гектар ер майдонини ғалла-сабзавотчиликга ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш учун 49 йил муддатга ижарага ажратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

3. Комиссиянинг мазкур танлов хужжатлари ва хулосасини куриб чиқиш Ҳалқ депутатлари Жомбой туман кенгашига хужжатлар юборилсин ва тасдиқлаб бериш суралсин.

Тендер хужжатлари илова қилинади.

Комиссия раиси:

Комиссия котиби:

Туман ҳокимининг уринбосари:

Туман ҳокимининг уринбосари:

Комиссия аъзолари:

Х.Туйчиев

Ж.Каримов

М.Исмоилов

А.Облақулов

А.Тураев

Б.Тураев

С.Эргашев

А.Визаев

И.Рашидов

- 3/Сафаров

И.Асроров

А.Юсупов